

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 17 декабрь • сешанба № 49 (889)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Обуна бўлинг!

“Инсон ва қонун”



Сиз билан,
Сизнинг
ҳимоячингиз,
Сизнинг
маслақдошингиз

Нашр кўрсаткичи — 137

Ободлик дастури, эркимиз рамзи



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 6 декабрь кuni Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

ДАВЛАТИМИЗ раҳбарининг “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир”, деб номланган маърузасини иштиёқ билан тингладим. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаятганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

Дарҳақиқат, икки бор умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нафақат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари, айни чоғда, мактанса арзигулик миллий қадрият ва аъёналаримизни ҳам ўзида тўлақонли муҳассам этгани тўғрисида кездаёқ халқаро экспертларнинг эътиборини тортди. Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси дунёнинг машҳур ҳуқуқшунослари ва давлатшунослари ўшанда ҳам ва бугун ҳам, эътироф қилганидек, дунёдаги энг мақбул ва мукамал тузилишга эга конституциялардан бўлиб, у ўзида ўзбек давлатчилигининг кўп

Конституция — фахримиз

ҳар бир моддаси содда ва тушунарли баён этилгани билан бошқа давлатларнинг конституцияларидан ажралиб туради.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган Конституцияимизнинг муқаддаслигидек инсон ҳуқуқларига алоҳида урғу берилди. Зотан, ҳар бир давлатда демократиянинг нечоғлиқ қарор топгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қай даражада риоя этилаётгани билан ўлчаниши, исбот талаб этмайдиган мезондир.

Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртиларига ҳам алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётганини эътироф этиш жоиз. Бу ёш авлодда ватанпарварлик, юртга садоқат ҳиссини оширибгина қолмай, Асосий Қонунимизнинг том маънодаги ҳуқуқий қалқон эканини англаб етиш имконини яратди. Албатта,

бу борада Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойиши асосий ҳуқуқий-норматив ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз, ўз маърузасида Асосий Қонунимиз қабул қилинган, қандай ютуқларга эришганимиз тўғрисида алоҳида тўхтади. Аввало, унинг қабул қили-

миз демократик давлатчилигининг зарур мезонларига мувофиқ тарзда барқарор ижтимоий-сиёсий мувозанатни яратди. Мафқуравий ҳужжат сифатида эса мамлакатимизда сиёсий ва мафқуравий ҳурфикрликни, сўз ва ахборот эркинлигини, халқимиз бирдамлигини, мақсадлар муштараклигини, миллий гуруҳ ва қадриятлар улуғворлигини таъминлади.

Албатта, мамлакатимизнинг Конституция шарофатида қандай улкан иқтисодий ютуқларга, ижтимоий раванакка эришяётганини исботлашнинг зарурати йўқ. Лекин жонажон Ватанимизнинг энг узоқ ҳудудларидан бири саналган Хоразм вилоятида биргина, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида Юртбошимизнинг бир нечта қарорларига асосан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, изчил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, бахтимиз Қомуси — Конституцияимиз самараси, десак ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Чунинчи, бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот 9,6 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 11,0 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,4 фоизга, қурилиш ишлари 20,8 фоизга ўсди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида



10 декабрь. Ўзбекистон Интеллектуал мўлқ ва “Узархив” агентликлари ҳамкорлигида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ва бошқа турдош ҳуқуқлар эгалари томонидан муаллифлик шартномаси тузиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни янада ривожлантириш масалалари юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

11 декабрь. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш ва бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган қўшма матбуот анжумани ташкиллаштирилди.

“Меҳнат бозори” ягона ахборот тизими, labor.uz бўш иш ўринларини топиш, кадрларни жойлаштириш ва он-лайн излаш тизими ҳамда вазирлиқнинг mehnat.uz веб-сайтидаги Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар интерфаол харитаси иш қидирувчиларнинг оғирини енгил қилмоқда.

Ҳар бир иш берувчи бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилиб, қўсқа вақт ичида бўш иш ўринларини жойлаштириши, керакли мутахассисларни танлаб олиши ва улар билан боғланиши, талабгорлар эса ўз резюмесини жойлаштириши ва ўзига мос келадиган иш топиши мумкинлиги ҳақида батафсил маълумот берилди.

12 декабрь. Фуқароларнинг коммунал соҳадаги истеъмол маданиятини янада ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашни такомиллаштириш масалалари Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги тадбирнинг мавзусига айланди. Унда истеъмол бозоридида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларида учраётган муаммоларни бартараф этиш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлиги ҳамда аҳолининг истеъмол маданиятини янада юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Ўқув-машғулот

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

— МАЪЛУМКИ, истиқлолнинг бугунги босқичида суд-ҳуқуқ ислохотлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди.

СУД-ҲУҚУҚ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил

ҳаётга татбиқ этилиши инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди, — дейди Адлия ва-

зирлигида 10 декабрь Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қабул қилинганга 65 йил тўлиши муносабати билан “Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият” мавзуга бағишланган ўқув-машғулот меҳмони, Республика юристлар малакасини ошириш маркази кафедраси мудири Лола Саидова.

Ҳа, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига, хусусан, 8-моддасида белгиланган “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга”, деган қоидага тўла мувофиқ келади.

Адлия вазирлиги
Ҳуқуқий тарғибот ва
ҳуқуқий таълим бошқармаси

Илмий-амалий анжуман

Мақсад ҳамкорлиқни кучайтириш

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида “Мустақам оила — юрт таянчи” мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

ТАДБИРДА маҳалла фаоллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари миллий қонунчилигимиздаги оила ва никоҳ масаласига алоҳида эътибор берилганлигини, жумладан, уни қандай ташкил этиш, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва

буричлари, фарзандлар тарбияси каби масалалар кўрсатилганлигини аниқ мисолларда иштирокчилар эътиборига етказилди.

Қайд этилганидек, жамиятда, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим омилларидан бири —

никоҳ ёшига тўғри амал қилишдир. Бироқ айрим ҳолларда катталар томонидан қизларни эрта турмушга бериш ҳолатлари учраб турибди. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, эрта никоҳ ва унинг салбий оқибатлари, шаръий никоҳ тартиблари хусусида мутахассисларнинг таъсирчан чиқишларини қўлайтириш лозимлиги қайд этилди.

Адлия органлари томонидан оила тўғрисидаги қонунчилигимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш, жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишда кўмак бериш, мустақам оила вужудга келиши учун ёш оилаларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ФХДЁ бўлимлари қошида ташкил этилган “Ёш оила қурувчилар мактаблари” томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди. Хусусан, 2013 йилнинг 9 ойи давомида ёшлар учун 4700 дан ортиқ ўқув-машғулотлари ўтказилиб, ушбу тадбирларда 250 мингга

яқин тингловчиларнинг иштироки таъминланди. Шунингдек, анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларни оилага тайёрлаш, оилавий низо-ларнинг олдини олишда маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, урф-одат ва маросимларни ижам, ўзбекона миллий қадриятлар асосида ўтказиш, соғлом авлодни вояга етказишда оила, таълим ва маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам атрафлиқ муҳокама этилди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

2014 йил — “Соғлом бола йили”

Соғлом оила муҳити

фарзандни камолотга етаклайди

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Соғлом оила — соғлом бола” концепцияси замирида она ва бола саломатлигини асраш, келажак авлодларнинг камолотини таъминлашдек эзгу мақсад мўжассам. Бугун мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида бошланган мазкур йўналишдаги тиббий-ижтимоий ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

ЖУМЛАДАН, оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Аҳолига бирламчи тиббий-профилактика, шунингдек, вахтисолаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакллантирилиб, фертил ёшдаги аёлларни муҳамал тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз бўйлаб, Президентимизнинг 2008 йил 18 июндаги “Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори асосида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Жойларда ҳомиладор аёллар ва чақалоқларни тиббий кўрикдан ўтказиш орқали ирсий касалликларни мумкин қадар эрта

аниқловчи скрининг марказлари ташкил этилди. Туғуруқ комплексларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган “Бехатар оналик” ҳамда “Болага дўстона муносабатда бўлиш” дастурларига биноан оналар ва болалар касалликлари ҳамда ўлимнинг олдини олишга қаратилган янги перинатал технологиялар жорий этилмоқда. Тегishли Давлат дастурлари доирасида оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббийет муассасалари — скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий консултациялари, туғуруқхона комплекслари, гинекология ва патронаж хизматлари замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 1 июлдаги

Конституция — фахримиз

Ободлик дастури,
эркимиз рамзи(Давоми.
Боши биринчи бетда)

“2013-2015 йилларда Хоразм вилоятини комплекс ривожлантириш Дастури” доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари бўйича шу йилнинг 9 ойида жами 84,5 миллион АҚШ долларлиги 1187 та лойиҳа амалга оширилиб, 6936 та янги иш ўрни яратилди.

Ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида, жорий йилда 879 та янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

Президентимизнинг 2012 йил 6 декабрдаги “Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисини ичимлик суви таъминоти тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан жами 7 та махсус қурилиш ташкилоти ташкил қилиниб, 2,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда вилоятда қабул қилинган дастурлар доирасида 450 дан ортиқ йirik махсус автотранспорт воситалари, 300 дан зиёд кичик техника-механизмларнинг харид қилиниши қурилиш-пулдар ташкилотлари моддий-техника базасини яхшилашга замин яратди.

“2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури”га асосан 48 мингта янги иш ўрни яратилиб, дастур 103,9 фоизга бажарилди.

Яратилган иш ўринларининг 89,1 фоизи (42,8 мингта) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида, 81,2 фоиз (38,9 мингта) қишлоқ жойларидан яратилди.

Йигирма бир йил тарих учун қисқа муддат. Лекин қонунларнинг ҳаётийлиги, барқарорлигини белгиловчи мезон сифатида бу, ўз навбатида, улкан давр саналади. Шу нуқтаи назардан баҳоланадиган бўлса, Конституциямизнинг нақадар мукамил, умрбoқий эканлигининг гувоҳи бўлаёми.

Дарҳақиқат, биринчидан, Конституциямизга шу давр мабoйида бор йўғи бир неча

маротабагина ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ҳолос. Иккинчидан, бу ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий ғоялари ва принциплари таъсир этгани йўқ, Учинчидан, Конституциямизнинг сифат ўзгаришлари мамлакатимизни ривожлантиришнинг Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ белгилаб берган беш тамойилга тўла мос равишда амалга оширилди. Тўртинчидан, қонун барча ҳаётий нарсалар қатори доғма, яъни қотиб қолган нарса эмас. Жамият ривожланиши билан унинг ҳам ўзгаришга юз тутиши мўқаррар. Акс ҳолда, қонун ҳаётдан ортда қолиши оқибатида, унинг ривожига тўсиқ бўлиб қолади. Бешинчидан, Конституциямизга ҳаётий зарурат туфайли киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар унинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган вариантга уйғун бўлиб, бўлим, боб ва моддалари сонини ўзгартирмаган ва энг асосийси, унинг дастлабки тахриридаги бирон бир нормасини бекор қилмаган ҳолда уларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода эркимиз рамзи, инсонпарварлик қомуси сифатида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош ҳуқуқий ҳужжати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи



Давра суҳбати

Табий муҳит муҳофазаси

хар бир фуқаронинг конституциявий бурчи

ТДЮУ ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчи палатаси, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган навбатдаги давра суҳбати “Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари” мавзуга бағишланди.

ТОШКЕНТ геодезия ва картография касб-ҳунар коллежидан бўлиб ўтган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси экология соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишга, концептуал илмий-тадқиқот ишларининг олиб бoришига ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим дастурийлашма эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, Бош Қонунимизда табиат ва жамият тизимидаги ўзаро муносабатларни тартибга

сoлувчи махсус қоида-талаблар ҳам белгиланган бўлиб, у экология ҳуқуқи манбаларининг пойдеворини ташкил этиши эътироф этилди.

Сўзга чиққан нотиклар атроф табиий муҳитнинг конституциявий асослари ва қонун ҳужжатларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг маънади, вазифаси, объектлари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, ушбу соҳада

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик қоратадбирлари каби қонуний талаблар белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Давра суҳбатида Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, “Қамолот” ЕИҲ фаоллари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари ва амалдаги экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам баҳолиб маълумот берилди. Савол-жавоб тарзидаги мулоқотда ҳар бир шахс табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни яхши билиши, уларга қатъий риоя қилиши, қонун талабларини виждонан бажариши, амалиётга тўғри татбиқ қила олиши муҳимлиги тушунтирилди.

Олим НАРЗУЛЛАЕВ,
ТДЮУ ўқитувчиси

Инсон қадри улуғланган ҳужжат

МУТАХАССИСЛАРНИНГ эътирофича, Бош Қомусимиз тузилиши ва мазмун-моҳиятига кўра, юртимиз ҳудудидан унга қадар амалда бўлган конституциялардан бутунлай фарқ қиладигани, бу унинг халқчиллигидан далолат беради.

Аёлларга ҳурмат, болажонлик, етимларнинг бошини силаш, қарияларни қадрлаш туйғуси, меҳрибонлик, оила мустаҳкамлиги йўлидаги ғамхўрлик, фарзанд тарбияси, вояга еттунарлик фарзандлар учун ота-оналарнинг масъул

эканлиги ва аксинча, ота-оналар қариганида, фарзандлари уларга ғамхўрлик қилишга мажбурилиги, табиатни асраб-авайлаш каби халқимизга хос бўлган шарқона хусусиятлар Конституциямизда ўз аксини топган. Шунингдек, Конституция

ямизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият, дея эътироф этилган. Масалан, 13-моддада: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият саналади”, дея таъкидланган бўлиб, ушбу норма инсон шахси доимо

Германия Асосий қонунининг 20-моддаси, Финляндия Конституциясининг 2-моддаси мазкур принципга бағишланган бўлиб, уларда давлат ҳокимияти тўлалигича халқдан келиб чиқиши, халқ ҳокимиятичилиги сайловлар, референдумлар ҳамда давлат ҳокимияти органлари орқали амалга оширилиши белгиланган.

Халқ ҳокимиятичилиги ҳақида сўз борар экан, “халқ” атамаси қимматли қамраб олиши ҳақидаги саволнинг юзига келиши табиийдир. Асосий Қонунимизнинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. Бу қоида мамлакатимиз фуқаролари бўлган барча миллат ва элат вакилларининг Конституция ва қонунлар олдида тенглигини, бир хил фуқаролик макрмига эга эканлигини кўрсатади. Таъкидлаш кераки, ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор хусусиятларидан бўлиб, ақсарият мамлакатлар конституцияларида бундай қоидалар мавжуд эмас.

Халқ ҳокимиятичилиги принципи фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Давлат ҳокимияти фақат халқ номидан амалга оширилади, давлат ҳокимиятини муайян бир гуруҳ, партия ёки бошқа идора номидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Халқ ҳокимиятичилиги принципи асосий устувор қоида тариқасида ақсарият демократик давлатларнинг Конституцияларида ўз аксини топган. Мисол учун, Франция Конституциясининг 3-моддаси,

Асосий Қонунимизнинг 13 ва 14-моддаларига мувофиқ мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланган, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқ ҳокимиятичилиги принципининг умумэтироф этилган барча қоидалари мустаҳкамланган бўлиб, улар мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродасига асосланган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлайди. Мамлакатимизда кеңайган сиёсий ҳаракчанлар, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар эса мазкур конституциявий қоидаларнинг нечоғлик ҳаётий ҳамда халқчил эканлигининг ёрқин ифодасидир.

Самира САИДҒАЗИЕВА,
Олмазор тумани ФХД
бўлими инспектори

биринчи ўринда туриши кафолатланганлигини билдиради.

Инсонпарварлик ва демократик тамойилларни муҳассам этган Конституциямиз фаровон ҳаёт кечиришимиз учун асрлар мобайнида хизмат қилиши, шўбҳасиз. Назаримда, Конституциямизни қадрлаб, тўлиқ ўрганиб ва унга амал қилиб яшасак, халқимизнинг асрий орзулари, албатта, рўёбга чиқади.

Азиз ҲАМИДОВ,
Республика
Суд департаменти
ташкилий-назорат
бўлимининг етакчи
инспектори

Соғлом оила муҳити

фарзандни камолотга етаклайди

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

“2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари бу йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастурийлашма бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида барча жойларда табиий муассасалари, таълим масканлари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари, ФХД органлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда турли тарғибот ишлари олиб бoрилмақда.

Жумладан, ФХД бў-

лимлари қошида ташкил этилган “Оила дорилфунуни” машғулотларига жалб қилинаётган бўлажак келин-куёвларга никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг зарурати, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, оила саломатлиги борасида атрофчи маълумот берилмоқда. Бу каби тадбирлар ёшларимизнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда қатта аҳамият касб этмоқда. Энг муҳими, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда асосий омил бўлмоқда.

Юртобшамиз оила мустаҳкамлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилиши ва унинг баркамол ўлғайиши каби эзгу мақсадда ислохотларга раҳнамолик қилар экан, Конституциямизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кириб келаётган Янги

— 2014 йилни мамлакатимизда “Соғлом бола йили”, деб эълон қилиб, “...соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамлилик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланибди”, — деди.

Демакки, келажакки буюк давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини юксалтириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш барчамизнинг энг олий мақсадимиздир.

Зухра АЗИМОВА,
Тошкент шаҳар
адлия бошқармаси
бошлигининг
ўринбосари

Қонун моҳияти

Мурожаат асосли бўлса

қонуний ҳал қилинади. Акс ҳолда...

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгандан кейин фуқароларнинг мурожаатларини тартибга солувчи қонунчилик базасига ҳам бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, бу соҳани тартибга солувчи “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

УШБУ Қонунда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, фуқароларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар бeриши ҳамда уларни қўриб чиқиш тартиби, мурожаатларни қўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари алоҳида белгилаб берилган.

Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар бeриш ҳамда уларни қўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколати доирасига кирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсинув тартибидан юқори турувчи органга бeрилади.

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органининг ўзи ёки зиммасида қўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан қўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичидан тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқароларнинг ўзига қайтарилади.

Шу бoс фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида қўриб чиқиши учун илоҳи бoрича қарер ва кимга мурожаат этиши лoзимлигини аниқлаб олиши муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, кўпгина ҳолларда фуқаролар суд қарорла-

ридан норози бўлиб мурожаат қилишади.

Ҳўш, бундай ҳолда фуқаролар қандай йўл тутиши керак?

Фуқаролик ишлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, суд қарорлари устидан шикоят бeриш ва уларни қайта қўриш тартиби Фуқаролик процессуал кодексининг 3-бўлимида тўлиқ келтирилган. Жумладан, ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.


Прокурор муайян ишда

бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лoзим бўлган судга бeрилади ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида қўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг судга кeлмаслиги суд олдида қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бeриш билан бир вақтда, муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лoзим.

Қўпгина фуқаролар суд қарорларидан норози бўлиб, шикоятларни юқори турувчи судларга юборадилар.

Ваҳоланки, апелляция шикоятлари ва протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилди, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга бeрилади.



иштирок этган-эتماганлигидан қатъи назар, суднинг ҳал қилув қарори, ажрим, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтирилади.

Суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичидан тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бeришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Қўрсатилган муддат ўтганидан кейин бeрилган шикоят (протест) қўрилмасдан қoдирлади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат

Апелляция шикояти ёки протести судга ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан бeрилади.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибидан қўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичидан тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан қассация шикояти бeрилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Дилшод ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилояти
адлия бошқармаси
масъул ходими

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— ҚОНУНИЙ никоҳда бўлмаган шахсларнинг фарзандлари дунёга келганда, оталик қандай тартибда белгиланади?

Феруза МАМАДАЛИЕВА,

Тошкент вилояти

— БОЛАНИНГ онаси билан никоҳда бўлмаган шахсининг оталиги ўзини боланинг отаси, деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига бағишланган топширган аризасига биноан белгиланади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек, бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам бeрилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан

сўнг эр-хотин биргаликда ариза бeришнинг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлиши кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида ФХД органига бeришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси, деб тан олган шахс суд тартибидан шикоят қилиши мумкин.

Саволга Оҳангарон туман
ФХД бўлими мудири
Садоқат САТТОРОВА жавоб бeрди.

Депутат минбари

Сайлов эркинлиги

фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим омил

ИСТИҚЛОЛ шарофати билан Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги роли, ўрни, нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида изчил, босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотлар натижасида, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими вужудга келиб, такомиллашиб бормоқда.

ЗЕРО, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлиб, унинг 12-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Натижада, 1994, 1999, 2004 йиллардаги давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бундан ташқари, кўппартиявийлик принципи Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятига жорий этилди. Сиёсий партиялар қонунларни ишлаб чиқишга тасвир кўрсатиб, шу тариқа давлат бошқарувига муносиб ҳисса қўшиши таъминланди.

Маълумки, Конституциямизга, шунингдек, **Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида** - ги ҳамда янги таҳрирдаги **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”** ги, **“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”** ги, **“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”** ги қонунларга 2003 ва 2008 йилларда тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Шу билан бирга, ушбу даврда мазкур соҳага оид қўлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либерallasуви, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумийтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди.



ларнинг эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принципларини таъминлаш, уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки учун янада қулай имкониятлар, шарт-шароитларни яратиш берди.

Зеро, ўтган сайловларда тўпланган тажриба кўппартиявийликка асосланган сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масаларини кун тартибига олиб чиқди. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқ ва ошқоралиги, шафдофлиги, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг изчил такомиллаштирилиши, вакиллик органларида партиялараро рақобатнинг қулайлиги ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Концепцияда партиялараро рақобатнинг қулайлиги, сайлововли ташвиқотнинг шакли ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани боис сайлов қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар

овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилишлари йўлида қўшимча вақт бериш имкониятини яратди.

Қонунда сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, сиёсий партия дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборот, депутатликка ном-

беришни ўтказиш учун сайловчининг сайлов кунига бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилган аризаси талаб этилиши, сайлов варақаси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида икки нафари иштирокида берилиши ҳамда сайлов варақаси конвертга солиниб, муҳр билан ҳамда комиссия аъзоларидан икки нафарининг ва сайловчининг имзолари билан тасдиқланиши назарда тутилди.

Қонун талабларига кўра, эндиликда овоз бериш кунига қадар уш кун ичида, шунингдек, овоз бериш кунига жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш)га, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмайд.

Қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкаларини ташкил этиш мумкинлиги Қонунга киритилган яна бир муҳим нормадир. Бу норманинг жорий этилиши қамоқда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши янада кенгроқ таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини замон талабларига уйғун ҳолда такомиллаштириб бериш демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи омилли хисобланади. Зеро, миллий демократик тараққиёт моделининг афзаллигини халқро ҳамжамиятга намойиш этиш сайловлар жараёнида янада яққол кўзга ташланади. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз миллий манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, кучли иқтисодий куч-қудрат ва маънавий салоҳиятга эга бўлиш, мустақиллигимизни ҳар томонлама ҳимоя қилишда демократик қадриятлар омили бўлган сайлов тизимининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамлаш юртимиз юксак тараққиётининг муҳим гаровидир.

Шухрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати

Юрт одамлари

Маҳалламизнинг жонкуяр раиси

бир овоздан қайта сайланди

КАТТАҚҮРҒОН шаҳридаги Сармазор маҳалласида тўрт мингта яқин турли миллат вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ яшади. Шуниси диққатга сазоворки, бу ерда истикомат қилувчилар бир ота-онанинг фарзандидек, бир-бирига меҳрибон, дардқаш ва суянкач.

БУНДА ЭСА ҳали ёш бўлишига қарамай кўпчиликка бош бўлган маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилфуза Бердимуродованинг ҳиссаси катта. Асли касби ҳисобчи бўлган Дилфуза 2004 йили қўриқдаги маҳаллага қотиба бўлиб ишга келди. Маҳалладаги кишиларнинг яхши-ёмон куниде иштирок этиб, маҳалладошларининг оғирини енгил қилиб, ўзининг хушмуомалалиги билан кўпчиликнинг хурматини қозонди. Ўтган 2008 йил маҳалла аҳли Дилфуза Бердимуродовани ўзига сарқор этиб сайлади. Маҳалла раиси жуда кўп хайрли ишларни амалга оширди. Хусусан, маҳаллага қарашли ўн саккизта кўчани ободонлаштириш, савдо, маиший хизмат шохобчалари ташкил этишда бош-қош бўлди.

Очиғи, тадбиркорлик билан шуғулланиш, бирор-бир бино қуришда тўсиқларга учраб, рухсат ололмай тушунлиқка тушган пайти, Дилфуза шу элнинг ишонган одами сифатида “ушбу хайрли иш маҳалла аҳли, мамлакатимиз равақли учун”, деб уларнинг ҳолатини чиқарган. Ҳаммадан ҳам Дилфуза Бердимуродованинг одамийлик хислатлари бекиёс. Бир неча йил олдин маҳаллада истикомат қиладиган Сергей Хусанов, Марат Бахриддинов, Мурод Хасановларнинг ҳовлисида қучли ёнғин содир бўлиб, бу оилалар кўчада қолди. Шунда маҳалла раиси уларга бошпана, ҳоми топиб, бутун маҳалла аҳлини ёрдамга қорлаб, ўзи бошида туриб, ҳашар йўли билан уш оиланинг ҳовлисини қисқа фурсатда таъмирлаб берди.

Дилфуза Бердимуродова одамхоҳ, меҳрибон, дилқаш жувон, — дейди меҳнат фаврихиси Наташа Маликова. — Менинг марҳум опам Людмила кўп йиллар касал бўлиб ётди. Дилфуза ҳар ҳафта опамнинг аҳолидан хабар олиб, дори-дармонига ёрдам берди. Ахир бундай меҳрибонлик инсонга овоз бермай бўладими!

Яқинда бўлиб ўтган сайловда Дилфуза Бердимуродова бир овоздан қайта маҳалла раиси этиб сайланди.

Ҳа, халқимиз ўз сарқорини ўзи сайлайди. Чунки маҳалла раиси Ватан ичра Ватан ҳисобланган маҳалланинг равақи, тинчлиги, тотувлиги учун масъул. Шу туйғайли оқил кишини халқимиз ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Нафси ўпқон отган “тадбиркор”

ўз ҳамкорларини қандай қилиб чўв туширди?

ДАНҒАРА ТУМАНИДА яшовчи фуқаро Акбарали Ўлмасов конституциявий ҳуқуқлари ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Яъни меъёрий маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Фозилжон янги меъёлари” хусусий корхонасини ташкил қилиб, иш юрити бошлади. Лекин вақт ўтиши билан болон нафсининг амри туйғайли жиноятга қўл урди.

ХҲҲАЛИК ва жиноят иши материалларидан маълум бўлишича, 2011 йилнинг 7 июлида Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасида электрон аукцион савдолари ўтказилди. Ана шу савдоларда “Фозилжон янги меъёлари” хусусий корхонаси ҳам иштирок этди. Натижада, юртимизнинг турли ҳудудларидagi ҳўжалар кириувчи субъектлар хусусий корхона меъёларига харидор бўлди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Нурутубод тумани ҳокимлиги ҳам. Шу боис, 2011 йил 8 июль кунга тарафлар ўртасида 98 донна умумий қиймати 16.415.000 сўмлик “УМ 013А” русумли 3-рунликли кресло етказиб бериш тўғрисида 07/07-сонли шартнома имзоланди. Шартномага асосан туман ҳокимлиги 2011 йил 18 июлдаги 361 ва 362-сонли тўлов топшириқномалари орқали 16.415.000 сўм маблағни А.Ўлмасовнинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Бироқ тадбиркор томонидан ҳеч қандай маҳсулот етказиб берилмаган.

Суд департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам хусусий корхонанинг лафзисизлигига дуч келди. Гап шундаки, юқоридаги аукцион савдоси сабаб томонлар 2011 йил 1 декабрда жами 22.766.000 сўмлик меъёрий жихозларни етказиб бериш юзасидан 91, 92, 93-сонли шартнома-ларга имзо чекишган. Шундан сўнг ҳудудий бошқарма шартномавий мажбуриятини бажариб, етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан

3.414.900 сўм миқдоридagi 15 фозилжон тўловни амалга оширган. Аммо нафақат шартномада белгиланган 5 кунлик муддат, балки орадан тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтса-да, меъёрий жихозлари Самарқанд вилоятига “етиб бормайди”. Фарғоналик ҳамкор бошқарма томонидан 2012 йил 10 мартда юборилган 14/06-40-4-сонли огоҳлантириш хатини ҳам оқибатсиз қолдирган.

Бунга қараганки, “Фозилжон янги меъёлари” хусусий корхонаси Фарғона вилояти ўлкашўнослик музейи билан бўлган шартномавий муносабатда сал бошқачароқ йўл тутди. Яъни 2011 йил 6 июлдаги электрон аукцион савдосига асосан 2011 йилнинг 11 июлида музей ва хусусий корхона ўртасида 20.000.000 сўмлик меъёрий маҳсулотлари харид қилиш бўйича 11-сонли шартнома тузилган. Шартнома шартига мувофиқ ва барча хари-дорлар сингари ўлкашўнослар ҳам маҳсулот ҳақининг 15 фозиси — 3 миллион сўмини аввалдан тўлашди. Лекин тадбиркор бир ярим ой мобайнида ҳам зиммасидаги мажбуриятни бажармади. Бинобарин, унга 2011 йил 6 октябрь ва 2011 йил 24 ноябрь саналари билан икки мартаба талабнома юборилди. Шундан сўнг Акбарали ака 2011 йил декабрь ойида музейга ҳеч қандай ҳужжатсиз бўлган 51 донна стул, 9 донна компьютер столи, 31 донна китоб жа-вонларини олиб келди. Бироқ у жихозларни топшириш — қабул қилиш дало-латномасини имзолашдан

Албатта, мазкур даъво аризалари суд томонидан қонун доирасида қанаотлан-тирилди. Шу билан бирга, А.Ўлмасовнинг шартномавий мажбуриятларни бажармас-лик ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериб, жавобгарлик масаласи-ни ҳал қилиш юзасидан ху-сусий ажрим чиқарилди ва вилоят прокуратурасига юбо-рилди. Натижада, тадбиркор-га нисбатан жиноят иши қўз-ғатилди.


Тергов ва суриштирув жа-раёнида хусусий корхона раҳбари томонидан ҳокори-дагилардан ташқари, Тошлоқ туманидаги 11-мактабга таълим муассасаси, Учқўприк тумани маданият ва спорт ишлари бўлими, Фарғона вилояти гидрогеологик ме-лиоратив экспедицияси, На-манган шаҳридаги 23-сон бо-лалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Самарқанд вилояти те-ри таносил касалликлари диспансери, Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фар-ғона вилояти мусиқали дра-ма ва комедия театри, Сир-дарё вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқар-маси, Ўзбекистон туманида-

Жиноятга жазо муқаррар

6-сон умумтаълим мактаби, Республика марказий давлат архиви, Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти, Тошлоқ тумани марказий поликлини-каси, Хоразм вилояти ҳоким-лиги, Чирчиқ шаҳридаги “Ка-малак” номили 37-сон МТМ каби жами 31 та ҳўжалик юритувчи субъектни чўв ту-шириб, уларнинг 77.733.500 сўмлик маблағини талон-то-роҳ қилгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Данғара тумани суди айб-дорнинг қилмишига яраша қоний ҳазо тайинлаш ба-робарида ҳақдорларга ху-сусий корхона ҳисоб рақамига ўтказган маблағларини ўнди-риш юзасидан ҳам ҳўкм чи-қарди. Умид қиламизки, Ак-барали Ўлмасовнинг қисма-ти яратилган кенг имкония-лардан унумли фойдаланиш ўрнига тадбиркорлик ниқо-би остида ноқонуний даро-мад орттираётган уйдабурон-ларга сабаб бўлса, ажаб эмас.

Шерзод
МИРЗАҲАКИМОВ,
Фарғона вилояти
ҳўжалик судининг
судьяси



Ота

ўз ўғлининг қурбонига айланди. Нера?

ОДАТДА ишладаги “шайтон” ирода-си-ю, имон-эътиқоди тугал кишиларни эмас, балки оғиз ва нотавон кимсалар-ни ўзига ром этади. Бироқ рўй берган воқеага тийрак назар билан қарамоқ лозим.

МАШЪУМ воқеа оила аъзолари бир бўлиб, байрам дастурхони атрофида ўти-рган ва “хўрмача”лари ишладаги “шайтон-суви”га тўлдирилгани оқибатида юз бер-ди.

Байрам оқшоми ашаддий қотиллик жиноятига қўл урган нақирон йигит (1985 йили туғилган) Бекзод Бекмуродов Урганч тумани маркази Ю.Саидов кўчасида қўним топан. У ўз оиласининг асосий боқувчиси ҳисобланган. Анча муддат ишлаб, уйланиш, оила қуриш учун маблаг жамгарган. Топгани чиндан ҳам тўйга буюрди. 2012 йилнинг тароватли куз кўнларининг бири унинг ҳонадонига ёр-ёр садолари янгра-ди. Оила дарғаси — ота Икром Бекмуродов, она Мухаббат Юсупованинг бир умр-лик орзуси ушвалди. Афсус. Ёшларнинг

оилавий ҳаёти узок қўзилмади. Бекмуродовлар оиласига бахт ва иқбол тисмоли кириб келган келин орадан бир неча ҳафта ўтмаёк бу ҳонадонни тарк этди. Ана шундан кейин бир неча ҳафталик кўвё — Бекзоднинг боши ғавғо-маломатдан чиқмай қолди. Ота ҳам, она ҳам, хатто туғишган ука Шерзод ҳам собиқ кўёвни айбашдан ҳориб-чарчашмади.

Оила аъзолари бундай дашномларни хатто янги йил дастурхони атрофида ҳам давом этказишди. Янги йил кечаси Бекзод ўзини анча ҳақоратланган ҳисоблади чоғи, беҳосдан қўлга эрк берди. Туғишган ука-сини дўппослай бошлади. Ака-укалар ўрта-сидаги “жанг” авжига чиққан маҳал Бекзоднинг қўлида калта йўғма пичоқча пайдо бўлди. Унинг ўткир тиги Шерзоднинг тана-сига бир неча бор қадалди.

Онаизор ўғли Бекзоднинг қўлидаги пи-чоқчани тортиб олишга муваффақ бўлди. Шерзоднинг танасидан сизиб чиққан иссиқ қон эса байрам дастурхони ёзиглик хона-ни халқобга айлантирди. Аммо бу ҳол Бек-зодни сескантирмади. Гарчи, қўзи қонга тўлган бўлса-да, қаршисидаги стол устида қотилликнинг яна бир ишончли воситаси — ошхона пичоғи турганлигини ҳаммадан илгари пайқайди. Уни олиб яна укасига қарши ҳужумга отланди. Ота эса бор кучини ишга солганча ўғлининг қўлига ёпи-шиб, совуқ қуролни тортиб олишга урин-ди. Бироқ...

Бекзод яна ҳужумга шайланди. Укаси қочиб, қўтилди. Лекин ўғлини қойишга бо-тинган, боз устига уқанинг яширинишига қўмаклашган ота унинг рўпарасида туриб-ди. Фирқача, “зуғуми” учун ота ҳам жавоб бермоғи даркор. Бекзоднинг миясига кел-ган энг “доно” фикр шу бўлди. Хар қан-дай ёмонликдан эзгулик изламоқ фарзи ана шу алфозда буткул унутилди. Яши-лидан ёмонлик ахтармоқ ҳисси эса яққол устун келди. Ноқобил фарзанд қўлга но-хос тушиб қолган ошхона пичоғини ота-сига ҳам “ишлатди”. Ота ўз ўғлининг ота-бонига айланди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди судьяси Хасанбой Мухаммаджонов раис-лигида ўтказилган суд жараёнида чоғи Урганчда содир бўлган муҳиш жиноят таф-силоти янада ойдинлашди. Ушбу ашаддий қотиллик боис бир бегуноҳ инсон — эн-дигина, 50 ёшни қаршилаган Икром Бек-муродов ноқобил падархўн фарзанд қўлида жон таслим этгани, бир қориндан талашиб тушган укаси Шерзод эса оддий тасодиф-ла омон қолса-да, барибир жи-ддий жароҳат олгани айбнинг асосий ман-баи сифатида эътироф этилди. Айбланув-чининг қилмишини оғирлаштирувчи ва ен-гиллаштирувчи бундай ҳолатларнинг бари судда инобатга олинди. Б.Бекмуродовга Жиноят кодексининг тегишли бандлари бўйича жазо тайинланди.

Абдулла СОБИРОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Соҳа одимлари

Нотариус хизматига эҳтиёж

қўндалик заруратга айланиб бормокда

“НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА”ги Қонуннинг 1-моддасида қайд қилинганки, Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга доғдат этилган ҳуқуқий институтдир. Шундай экан, давлатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда нотариусларнинг хизматлари чексиздир.

ҲОЗИРГИ кунда Наманган вилоятида аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишда 32 та нотариал идора мавжуд бўлиб, ушбу нотариал идораларда 40 нафар нотариус, 20 дан ортқ нотариус ёрдамчилари, 50 дан ортқ нотариус котиблари ва нотариус стажёрлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жорий йилнинг 1-ярим йилидаги давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан 100 мингдан ортқ турли хилдаги битимлар амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида нотариал гувоҳлантирилди. Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар натижасида, 8 миллиард сўмдан ортқ давлат божи ўндирилди, 300 миллион сўмдан ортқ пуллик ҳуқуқий хизматлар кўрсатилди.

Шунингдек, нотариуслар томонидан жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган 200 дан ортқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг тобора жадаллик билан ривожланиши натижасида, нотариат соҳасини янада такомиллаштириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг юқори малакали ҳуқуқий ёрдам олиши учун қўлай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини юксак даражада ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қонун ва қонуний ҳужжатлари қабул қилинмоқда ва амалда мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жамиятимизда кўндал-кўн тобора ривожланиб бораётган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиб, тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, “Нотариат тўғрисида”ги, “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар ва Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги Фармони, 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидандир.

Мазкур қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида нотариусларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг фаолият кўрсатиш мезонлари мустаҳкамланиб, янада такомиллашиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нотариуслар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда фаолият юритиб, ҳуқуқий хизмат кўрсатишлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мукаррардир.

Отабек РАҲИМОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйдаги нотариус лавозимларида ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти
Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйдаги нотариус лавозимларида ТАЛЛОВ ЎТҚАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Самарқанд вилояти
Самарқанд шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд тумани 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хоразм вилояти
Урганч шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент вилояти
Зангиота тумани 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тошкент шаҳри
Юнусов тумани 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Талловда қатнашиш учун қўйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий ариза;
4. Меҳнат дифтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг малака имтиҳонини тошқирганиги тўғрисида Малака комиссиясининг қарорини қўйиш (малака имтиҳонини тошқирган, лекин нотариус лавозимига уч йил мобайнида ишлаган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта тошқирганиги тўғрисида Малака комиссиясининг қарорини қўйиш);
6. Ойирта иш жойидан қайтарилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома.

Талловда йиғилма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камидан уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини тошқирган Ўзбекистон Республикаси Фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2014 йил 16 январь)
Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 238-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-франк билан
рўқбатга олинган

Бош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ражабова Маяжуда
Абдуллаева
Қўчқор Тоғоев
Турсунов Тўлқун Мирзасев

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Сахифаловчи-
дизайнер:
Тўлқун
РАУПОВ

Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида
терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет
усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа йиғинида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-8745. Тиражи — 16689.
УзА якуни — 21.20
Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31.
Факс: 233-84-50
Баҳоси қилинган нархда

1 2 3 4 5

Реклама ўрнида

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк (ОАЖ)



UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
Ушбу пластик карточкалар ёрдамида “SMS-TO’LOV” ва “UZCARD-CLICK” дастурий тизимлари орқали:

- барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
- банк томонидан Сиз учун очилган ҳисоб рақамни бошқариш;
- жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин.


Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қўлайликлар яратилган:

- тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон маркасида қатъи назар) амалга ошириш мумкин;
- мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;
- ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
- мижознинг телефонида маблағ етарли бўлмаган ҳолатларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловларни амалга ошириши мумкин;
- мижоз банкга ташриф буюрмасдан балансни кўриши, пул маблағлари билан тўлдириши, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
- UZCARD EMV (он-лайн) пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш бепул ва ҳеч қандай комиссия олинмайди.

Маълумот учун телефонлар:
(8371) 120-82-76, 120-81-90, 120-81-91.

“Асака” банк — молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган.



Мулоҳаза

Бугунги педагог

яхши ҳуқуқшунос
ҳам бўлиши зарур

МАЪЛУМКИ, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартларидан бири аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборатдир. Бу борада 1997 йил 29 августда қабул қилинган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури муҳим аҳамиятга эга ҳужжат саналади. Ушбу ҳужжатда ҳозирги кунда ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

МАЗКУР дастур барча аҳоли қатламнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ҳуқуқий билимларини кўндалик ҳаётда қўлай олишлари учун ҳуқуқий замин яратиш каби эзгу мақсадни ўзига мўлжаллаган. Таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ана шу мақсадда ишлаб чиқилган. Масалан, мактабга таълим муассасаларида “Болажон” дастури доирасида ҳуқуқий билимлар берилса, бошланғич таълимда “Конституция оламига саёҳат” ҳамда “Одобнома” фанларида ҳуқуқий ва ахлоқий сабақлар сингдирилади. Давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ эса 8-синфларда “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, 9-синфда “Конституциявий ҳуқуқ” фанлари ёрдамида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш йўлга қўйилган.

Модомики, гап ҳуқуқий маданият ҳақида бораётган, ҳуқуқий онг унинг муҳим илдиэларидан бири эканлигини унутмаслик лозим. Ҳуқуқий онг — бу ҳуқуқлардан шунчаки хабардорлик, қонунларни билишгина эмас, балки қонунларга риоя этиш ва уларни бажаришга тайёрлик, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилиш каби мезонлар билан ўлланади. Дастурда белгиланган вазифаларга кўра, халқ таълимининг барча соҳаларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълим узлуксизлиги қўзғатишмоқда. Ҳар бир маънавий-маърифий тадбир юксак савияда ўтказилмоқда. Назаримда, бундай самарга эришиш учун педагог кадрларнинг ҳуқуқий салоҳиятини ошириш режа асосида олиб борилиши лозим. Бугунги кун педагоги нафақат ўз соҳасининг устаси бўлиши, балки малакали ҳуқуқшуносларга айланиши зарурдир. Таълим муассасаларида касбий, сиёсий ўқишлар, маънавий соатлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари билан бўладиган учрашувлар ҳам бунда қўл келлади.

Умиди СОБИРОВА,
Фарғона вилояти
педагог кадрларни
қайта тайёрлаш ва
малакасини ошириш
институтини ўқитувчиси

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг нотариат адвокатура ва ФХДЭ органлари бўлими масъул ходими Холида Нигматов вага турмуш ўртоғи Баҳодир НИГМАТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ОДАМ САВДОСИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ПОЙМОЛ ЭТИЛИШИ МУАММОСИ САНАЛОДИ. ИНСОННИЙ ТОРАҚҚИЁТИ ДАВРИДА ҲАР ДОИМ УШБУ МУАММО ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ ОҒРИКЛИ НУҚТАСИ ҲИСОБЛАНГАН.

МАЪЛУМКИ, ҳозирги глобаллашув жараёнида ташқи меҳнат миграцияси кучайиб бормоқда. Бу меҳнат мигрантларининг орасида аёллар ва болаларни ҳам кузатиш мумкин. Конституциямизнинг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартлоларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлатимиз ҳудудида ҳам, хорижий давлатларда ҳам қонун ҳужжатларида ман этилган меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун билан қафолатланган.

Аммо ҳалигача қонунлар моҳиятини яхши тушунолмай, товламачи ва фирибгарлар чангалига тушиб қолаётган ватандошларимиз учраб турибди. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад

Одам савдосига қарши курашиш

миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган

ҳам одам савдоси каби жиноятнинг олдини олиш, унга қарши курашишдан иборат.

Қонуннинг 5-моддасига биноан Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари, деб белгиланиб, уларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги тегишли ваколатлари белгиланиб қўйилган.

Улар орасида Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари чет давлатларда одам савдосидан жабрланган шахсларнинг қонун

билан қўриқладиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эгадир. Унга кўра улар:

— одам савдосидан жабрланган, ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

— одам савдосидан жабрланганларни ватанига қайтаришга қўмаклашади, уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, белгиланган тартибда уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни ундирмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

— зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикаси-

нинг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади; — одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этади.

Шунингдек, мазкур Қонун асосида Президентимизнинг 2008 йилнинг 8 июль кунин қабул қилган “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида одам савдосига қарши курашишнинг ташкилий самарадорлиги янада ортди.

Истиклол йилларида қабул қилинган юқоридаги миллий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали республикамизда инсон ҳуқуқлари таъминланганлигининг биргина жиҳатини кўришимиз мумкин. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда инсонларнинг ҳудуд ёки чегара танламаётган жиноят — одам савдосидан ҳимояланиш ҳуқуқи каби шахсий ҳуқуқларининг қафолатланганлигидан яна бир далолатдир.

Икром ГИЯСОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси катта мутахассиси